ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

### ТАРЖИМАШУНОСЛИК НАЗАРИЯСИ ВА АМАЛИЁТИ КАФЕДРАСИ

# *“ТАРЖИМОНЛИК МУТАХАССИСЛИГИГА КИРИШ”*

# *ФАНИДАН ЎҚУВ-УСЛУБИЙ МАЖМУА*

**ТОШКЕНТ - 2017**

**ТУЗУВЧИЛАР:**

**Мўминов Омон Мўминович**
**Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси ф.ф.н, проф**



**Султанова Саида Нуриддиновна**
**Таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси катта укитувчиси**



# М У Н Д А Р И Ж А

Маъруза  матнлари ..........................................................................4-22

Семинар машгулотлари учун тавсия этилган мавзулар ........................23-28

Мустакил таълим учун тавсия этилган мавзулар.........................................29

Илова ...................................................................................................30-53

**Маъруза машғулотлари**

| № | Маърузалар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **2-семестр** | | |
| 1 | “Таржимонлик мутахассислигига” фанига кириш предмети | 2 |
| 2 | Таржимонлик касбининг роли | 2 |
| 3 | Таржимонлик махороти | 2 |
| 4 | Таржимонлик услуби | 2 |
| 5 | Таржимонлик фаолияти | 2 |
| 6 | Таржимонлик маданияти | 2 |
| 7 | Таржимонлик методлари | 2 |
| 8 | Таржимонлик мактаблари | 2 |
| 9 | Буюк таржимонлар фаолияти | 2 |
| Жами: | | 18 |

Маъруза машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда академ. гуруҳлар оқими учун ўтилади.

## 1-мавзу. Таржимоннинг роли

Таржимон касби ва жаҳон инсоният маданиятлари тараққиётида, уларнинг ўзаро ҳамкорлик қилишида алоҳида ўрин тутади.

Жуда қадим замонлардан бошлаб инсониятнинг савдо, иқтисодий алоқаларида тил билиш, тил ўрганиш, сўзларнинг маънолари ва маъноларнинг доираларини аниқлашда, тилни алоқа, муомала, мулоқот қуролига айлантиришда тилмочлар, таржимонларга жуда катта эҳтиёж туғилган. Мисол учун биргина “сора” деган сўзни олайлик. У жуда қадимги семит тилида мавжуд. Ҳозирги дунёнинг қарийб барча тилларига бу сўз “Таврот”, Иброҳим алайҳиссалом тарихи, мусулмон адабиётлари орқали атоқли исм тариқасида кириб кенг ёйилган.

Аёлларга яхши ният қилиб, “Сора” деган исм қўядилар. Хўш “Сора” нима дегани? Қадимги семит ва хурр тилларида у “шаррату” тарзида бўлган ва “малика” деган маънони билдирган. “Шаррату” бошқа тилларга ва жумладан мусулмон халқлари тилларига “Сора” бўлиб ўтган. Инглизлар уни “Сара” дейдилар. “Сар” – “бош”, халқнинг боши, подшоҳи. “Цар”, “чор”– деган сўзлар ҳам подшоҳ маъносида. Сарнинг бош маъносидан малика маъносига уйғунлик билан кўчишини кўрдингизми? Ёки “ибри” деган сўзнинг эврилишларига назар ташлайлик. Симнинг чеварасининг исми Эбер бўлган экан. “Эбер – Ибри – дарёдан кечиб ўтиш” маъносини билдираркан. Дарё орти – “ибри” дейиларкан. Дарё ортидан, яъни Ефрат дарёсининг нариги томонидан келган кишиларни қадим-қадимларда ибри дер эканлар. Славян халқлари уни “еврей” деб талаффуз қилганлар ва шундай ўзлашиб кетган. Эрамиздан аввал XVI – XIV асрларда юқори Месопотамиядан Ефрат орқали Сурия / Шом / чўлига кетган қабилалар ҳам “ибри” деб аталган ва бу сўз кишиларнинг жуда кўп атоқли отларига айланган. Юзлаб, минглаб шу каби сўзлар ва тушунчалар, атоқли отлар, атамаларнинг хурр халқлари тилидан, дейлик, хетт халқлари ва ундан семит халқлари ва ундан сўғд, қипчоқ, хазар халқлари тилларига кириб келиши фақат ва фақат таржималар ва таржимонларнинг сайи ҳаракатлари, ижодий кашфиётлари натижасидагина мумкин бўлган. Булар ҳақида кўпдан кўп тарих китоблар хабар бериб ўтади.

Ўзбек тилида узоқ қадимдан “тилмоч” деган сўз мавжуд. У бошқа туркий халқларнинг луғат бойликларида ҳам акс этган. Тилмоч – тил биладиган тил ағдарадиган киши дегани. “Тилмоч” – таржимон сўзига қараганда қадимийроқ. Таржима ва таржимон сўзлари истеъмолга киргандан сўнг “тилмоч” таржимондан фарқланадиган бўлди. “Таржима” ва “таржимон” кўпроқ ёзма маданиятга даҳлдорлик маъносида фарқланди. Таржима – қайта яратиш, қайтариш маъносини билдиради. Шоир Чўлпон тилимизга “таржимачи” деган тушунчани олиб кирган.

Илк давлатларнинг дунёга келишидан бошлаб то ҳозирги кунгача таржимонлар давлатлараро дипломатик муносабатлар ўрнатиши,

мустаҳкамланишига хизмат қилганлар. Халқларнинг бир-бирларини билишлари, тушунишларига қимматли ҳиссаларини қўшганлар.

Таржима амалиёти жараёнида XX асрнинг ўттизинчи йилларидан бошлаб таржиманинг бир қанча турлари фарқланадиган бўлди. Турларнинг пайдо бўлиши таржима ишига турлича ёндашиш ва муносабатлар бўлгани билан изоҳланади.

Адекват таржима. Бунда асл нусханинг барча ғоявий-бадиий ҳусусиятлари таржима тилида тўла сақланади, оригиналга тўла ҳамоҳанглик яратилади. Сўзларнинг маъноларини англатишда бехато эквивалентликка эришилади. Жанрнинг стилистик, лингвистик талабларига оптимал даражада риоя этилади.

Эркин таржима. Таржима тарихида жуда кўп қўлланган. Аслият таржима жараёнида анча-мунча ўзгаришлалр, қисқартиришлар, ўзгача талқинларга учрайди. Аслият таржимоннинг иродаси билан соддалаштирилади. Таржима услубида баён қўлланади. Эквивалентлик бу ҳолда жуда нисбий тарзда намоён бўлади. Буни таржима назариясида АДАПТАЦИЯ деб аталади. Бадиий тузилиши соддалаштирилган, баён қилиб бериш йўлидан борилган эркин таржимада таржима ўқувчисининг уни қабул қилиши ва осон тушуниши мақсад қилиб олинади.

Эркин ижодий-таржима. Аслият таржимасига таржимоннинг таъсири анча кучли тарзда намоён бўлади, таржима аслиятга нисбатан бадиий жиҳатдан ва тузилишига кўра анча бойиб, мукаммаллашади. Бунга Навоийнинг Жомий, Аттор, ҳазрат Алидан қилган таржималари ёрқин мисол бўлолади. Эркин-ижодий таржимада таржимоннинг индивидуал ижодий ўзига хослиги хийла кучли даражада кўзга ташланиб туради. Эркин-ижодий таржима айниқса шеърий асарлар таржимасида кўп юзага чиқади. Таржима аслият билан катта мусобақага киришгандай бўлади. Аслиятга тенг ёки ундан ортиқроқ асар туғилади. Лермонтовнинг Ҳетедан қилган “Тоғ зирвалари ухлар”, Чўлпоннинг Пушкиндан қилган “Булбул ва гул”, Криловдан қилган “Бўри ва қўзичоқ”, Миртемирнинг Некрасовдан қилган “Русияда ким яхши яшайди?”, Усмон Носирнинг “Кавказ асири”, “Демон”, Эркин Воҳидовнинг

Сергей Есениндан қилган “Форс тароналари” каби таржималар шундай аслият даражасига кўтарилган, таржима тилида худди асл асардай қабул қилинган ва ўқиладиган асарлардир.

Сўзма – сўз таржима. Буни русча термин билан “подстрочник” деб ҳам юритадилар. Таглама таржима, ҳижжалаб таржима қилиш деган атамалари ҳам бор. Бунда аслиятнинг бадиий ҳусусиятлари сақланмайди. Сўзларнинг яқин ва илк маъноларини ифодалаш билан чекланилади. XX асрда таглама, қоралама таржималардан бадиий таржима учун жуда кўп фойдаланиш одат тусига кирган эди. Қардош адабиётлардан рус тилига “подстрочник” – таглама таржима қилиш кенг тус олган эди. Таржима зарурати, миллий қардош тилларни яхши билавермаслик шундай таржима туридан фойдаланиш, мафкуравий ва бошқа эҳтиёжларни қондиришликни назарда тутиларди. Мисол учун А. Қаҳҳорнинг машҳур “Синчалак” асарини таниқли таржимон Одил Раҳимий сўзма = сўз таржима қилган, атоқли ёзувчи Константин Симонов эса унинг тагламаси асосида юксак бадииятга эга, тўлақонли таржима яратган эди. Аммо бу таржиманинг замон тақозосига кўра, мафкуравий вазифалар талабларига қўлланган ясама усули эди. Таржимачиликда бу йўл маъқул эмас. Уни ёқлаб бўлмайди. У таржима тарихида бир тажриба бўлиб қолди. Уни мукаммал таржима учун хомаки матн деб аташ тўғрироқ бўлади.

Маънолар таржимаси. Буни Шарқ таржимачилигида тафсир ҳам деб юритишади. Кейинги йилларда ўзбек тилига илоҳий китоб “Қуръони Карим” бир неча маротаба иқтидорли мутахассислар томонидан таржима қилинди. У таржималарга “маънолар таржимаси” деб ёзиб қўйилди. “Қуръони Карим”нинг рус тилига қилинган Валерия Порохова таржимасига ҳам “перевод смыслов” деб ёзилди. Бу кўпроқ муқаддас китоблар таржимасида қўлланадиган усул. Илоҳий муқаддас китобларни ҳеч қачон аслиятга тенг таржима қилиб бўлмайди, аслиятнинг сири, фусункорлигини ҳеч қачон бошқа тилда тўла ўзидай чиқариш мумкин бўлмаган иш, деган диний доираларда расм бўлган фикр туфайли шундай йўл танланади. Бу баён қилиш – тафсир, яъни экспликацияга яқин усулдир.

Таржима шундай ижодий соҳаки, бунда маълум бир асарнинг таржимасининг турли даврларда, турли авторларда турли версиялари юзага келиши мумкин. Бу қонуний ҳол. Шу боис ҳам ҳар бир таржимага ўз даврининг ва унда ҳукм сурган эстетик қарашларнинг маҳсули деб қараш ўринли. Таржимада версиялар – мукаммалликка эришиш йўли туганмас бўлишини кўрсатади ва исботлайди. Ҳар бир автор индивидуал бўлганидек, ҳар бир таржимон ҳам индивидуал ижодий инсоний ҳусусиятларга ва қирраларига эгадир.

Оғзаки синхрон таржима. Нутқ ёки Жонли сўзлашув жараёнини бирор тилга ўгириш, бошқа бир тилда такрорлашни оғзаки таржима дейилади. Оғзаки таржима синхрон, яъни нутқнинг тугалланган ҳар бир гап бўлагини изма-из таржима қилиш ва нутқни у сўзлаб бўлингач текст бўйича таржима қилиш йўллари мавжуд.

Синхрон таржима таржимондан жуда катта билим, маданият, заковат ва тез илғаб, тез фикрни равшан ифодалайдиган сўз топишни талаб қилади. Бунда нотиқ жумлаларининг маъносини бир зумда дарҳол бошқа тилда қайтариш талаб этилади. Синхрон таржимага талаб жуда катта ва унинг масъулияти ҳам шу даражададир.

Таржимонлик касбини танлаган кишилар ўзларини синхрон таржимага чуқур ва кенг тайёрлашлари керак бўлади. Ўзбекистоннинг халқаро алоқалари, муносабатлари ортган, кучайган сари синхрон таржимага талаб зўраяди. Бундай юксак ихтисосли таржимонларни етиштириш катта аҳамиятга эга.

Синхрон таржима учун икки ёки ундан ортиқ тилларни мукаммал билиш, лексик, талаффуз нормаларига мукаммал риоя этиш, тез фаҳмлик, сиёсий, социологик, фалсафий, иқтисодий тушунчалар ҳамда тилнинг барқарор бирликларидан, мақол-маталлардан яхши хабардорлик талаб этилади.

Машина ёки техник таржима. Компьютер ёки бошқа техникавий воситалар ёрдамида бажариладиган таржималарни машина ёки техник таржима деб аташ расм бўлиб келмоқда. Машина таржималар чекланган

луғат ва чекланган матнлар доирасида амалга оширилади. Бадиий матнларни машинада таржима қилишнинг ҳозирча имкони йўқ.

Аслиятдан таржима. Таржиманинг энг мақбул саналган йўли бу – асл тилнинг ўзидан бевосита қилинадиган сифатли таржимадир.

Воситали тилдан таржима. Таржима тарихи ва амалиёти воситали, яъни иккинчи, учинчи тил орқали таржима қилишнинг жуда бой тажрибаларига эга. Воситали тил орқали бажариладиган таржималар бу санъат назарияси ва амалиётининг барча меъёр ва мезонларига, қоидаларига риоя этади. Бунда ҳам аниқлик, мувофиқлик, мослик, юксак бадиий, илмий ҳусусиятларни сақлаш ва ҳар жиҳатдан тенг кучга эга матн яратиш талаб қилинади. Албатта, воситали тил орқали қилишда асл (оригинал) тилининг айрим нозикликлари, ифодавийлик нюанслари бой берилиши мумкин. Аммо таржима фақат аслиятдан бўлсин деб, қараб ўтириш, ҳар томонлама билимдон, тилларни чуқур эгаллаган таржимонлар етилишини кутиш маданиятлар аро ҳамкорликлар, яқин алоқаларни орқага суриш билан баробар бўлади. Ҳозирда қардош тиллар, рус ва Европа, Шарқ тилларидаги аслиятдан таржималар қилиш бирмунча жонланиб боряпти. Ҳомер достонларини ўзбек тилига таржима қилиш учун қадимги юнон тилини мукаммал биладиган мутахассислар етилишини кутиб ўтириш кеpакми? Қодир Мирмуҳамедов “Илиада”ни рус тили орқали ағдарди. Эркин Воҳидов “Фауст”ни, Абдулла Орипов Дантени рус тили воситасида ўзбекчалаштирди. Бундай мисоллар кўп. Ҳамма гап бадиий таржиманинг сифат даражасида. Бунда воситали тилдан қилинган таржиманинг бадиий қимати ҳам ҳал қилувчи аҳамиятга эгадир.

## 2-мавзу. Таржимон маҳорати

Таржимада талқин – интерпретация биринчи даражали аҳамиятга эга. Таржима назариясининг шу кунгача қайд этилган барча меъёрлари, мезонлари, қоидалари улар охир-оқибатда қанчалик нисбий бўлмасин, барчаси интерпретацияга – бориб тақалади. Бадиий адабиётлар таржималарида бадиий талқинга, илмий адабиётлар таржималарида илмий талқинга, оғзаки таржималарда заковатли, ҳозиржавоб талқинга кўп нарсалар боғлиқ.

Талқин – интерпретацияда таржимоннинг индивидуаллиги, унинг талантининг қирралари, билимларининг нақадар теранлиги, инсонийлиги номоён бўлади. Таржимада индивидуаллик нима?

Таржима қилувчи – шоир, адиб, таржимоннинг ижодий индивидуал хислатлари, ҳусусиятлари у таржима қилаётган асар текстига ҳам ўтади. У таржима қилаётган текст шу ҳусусиятларнинг тўла ва ҳар томонлама таъсирида бўлади.

Алишер Навоий устози Абдураҳмон Жомийнинг авлиёлар ҳақида ёзган «Нафаҳот ул-унс мин ҳазаротул =қудс» деган асарини у ёзилгач, йигирма йил ўтгандан сўнг таржима қилди. Шуниси ажойибки, бу асарни ёзиш ғоясини Жомийга Алишер Навоийнинг ўзи берган ва уни бунга рағбатлантирган эди / “жамъу тартибининг боис бўлдум”/.

Навоий Жомий китобини нима учун шунча вақтдан сўнг таржима қилишга киришганлигини шундай баён қилади:

«Хотирға кечмишким, агар саъй қилсам, бу китобни турк тилига таржима қила олғаймуман ва ул дақойиқу мушкулотни равшанроқ алфоз ва очуқроқ адо билан ўткара олғаймуман?» - деб мутааммил эрдим» /Алишер Навоий. Йигирма томлик Асарлар, том 17, “Фан”, 2001 йил, 12 бет/.

Таржима назарияси дарсликларида таржима концепцияси ва стратегияси тўғрисида кўп яхши фикрлар баён этилади. Концепция ва стратегия тўғрисидаги назарий хулосалар қуруқ ерда пайдо бўлмаган. Улар узоқ замонлар таржима амалиётини ўрганиш натижасида туғилган универсал

аҳамиятга молик фикрлар. Таржимон концепциясига доир асарни тушуниш, англаш, унга таржима йўлини топиш билан боғлиқ фикрлар мана шу Навоийнинг сўзларида қанчалар муҳим аҳамиятга эгалигини кўрсатиб туради.

Аввало Навоийдек даҳо адиб ва мутафаккирнинг ўзи ғоясини ўз устозига берган, асарни таржима қила олармикинман, деб ўйланиб тургани диққатга сазовор. Шундай кишилар бор: истаган нарсани истаганча таржима қилиб ташлашга ўзларини қурбли ва ҳақли деб биладилар. Таржимага "оёқнинг учи билан қилиб ташласа бўладиган жуда осон иш деб менсимай қарайдилар ва қарайдиган таржималари ҳам шу менсимаслик ва ўта ҳурматсизликни тўла акс эттириб туради. Навоий эса араб ва форс, кўхна турк, уйғур, туркман тилларини мукаммал даражада билган ва ёзган адиб Жомийнинг асарини таржима қила олармикинман, деб йигирма йил ўйланиб, ўзини бу катта ижодий ишга чоғлайди, бугунги тилимиз билан айтганда, ўзини тайёрлайди. Таржимага жуда катта масъулиятли иш деб қарайди. Навоийнинг бу маданияти ниҳоятда ноёбдир. Навоий ўз тараддудининг боисини баён қилади: Жомийнинг китоби жуда нозик фикрларга тўла, уларни ўз она туркий тилида тушунарли, таъсирчан айтиб бериш осон эмас. Бунинг учун равшан сўзлар ва очиқ услуб, яъни "адо" лозим  деб чамалайди. Бу Навоий= таржимоннинг асил концепцияси. У концепция  нималигини яхши ифодалайди.

Алишер Навоий бу ерда равшан алфоз /сўзлар/ ва очиқ адо /услуб/ деган тушунчаларни қўллаб бадиий таржиманинг муҳимдан муҳим жиҳатларини тилга олади. Таржима учун равшан сўз ва очиқ ўқиган одам тушунадиган услуб қанчалар зарур! Навоий шу сўзларда ўзининг таржимага бўлган талабларини ҳам ифодалаб ўтгандай бўлади. Таржима учун ўз, бадиий эстетик принципини белгилаб олади. Кейинчалик таржима принциплари мана шундай улуғ намуналар орқали аёнлашди.

Равшан сўз ва очиқ  услуб ҳақидаги тушунча таржима назариясининг бугун бутун мағзини ташкил этади. Барча қоидалар ва меъёрлар шунга келиб туташади.

Навоий бу асарнинг таржимасини айтилганидек, йигирма йил кўксига тугиб юрган, йигирма йил бунинг учун керакли материаллар тўплаган - катта тайёргарлик кўрган. Шарқ ислом мутасаввифлари /сўфий донишмандлар ва файласуфлар/ ҳаётлари, фаолиятлари, ижодларини ўрганиб чиққан, зарра - зарралаб факт маълумотлар йиққан.

У ўзи ният қилган ишнинг қанчалар азимлиги ва душворлигини яхши тасаввур қилган. Таржима концепцияси устида узоқ бош қотирган. Ҳар томонлама изланишлар олиб борган.

Навоий тараддудларининг албатта ўз аниқ сабаблари мавжуд. Асар мушкул эди. Шунинг учун Навоий бу тарихий, адабий-бадиий агиографик асарга том маънода ижодий ёндошишга қарор берган. Ўз танлаган ижодий принципига кўра тугал иш кўрган.

“Бу улуғ ишға илик урдум ва бу азим амрға қалам сурдум”, дейди Навоий ўз журъати ва ижодий жасорати ҳақида.

Навоийниг таржимага ижодий ёндошуви нималарда кўринади? Бу хақда у китоб муқаддимасида маълумот бериб ўтади. Навоийнинг ижодий муносабатига эътибор беринг. У аввало Жомий китобини унга кирмай қолган бошқа улуғ сўфий донишмандлар хакидаги маълумотлар билан тўлдириш зарур деган фикрга келади. Бу биринчи ижодий_ёндошув. Китобга Ҳинд ва Турк диёрларида яшаган ва халқ орасида машҳур бўлган мутафаккирлар ҳақидаги нодир маълумотларни йиғиб уларнинг зикрлари, ҳолатлари ва айтган машҳур сўзларини баён қилади. Асарга ҳазрат Абдураҳмон Жомийнинг ўзи ҳақидаги, унинг сафдошлари, замондошлари, издошлари ҳақидаги маълумотларни топиб киритади. Шундай қилиб Жомий асарида 618 та донишманд тўғрисида маълумот келтирилган бўлса. Навоий ўз асарида улар сонини 770 тага еткизади. Бу Навоийнинг иккинчи ижодий муносабати. Жомий китобида зикр этилган улуғ сўфийларнинг замонга тўғри келмай қолган, нотўғри тушунилиши эҳтимол тутилган сўзлари, фикрлари, ишлари ҳақидаги маълумотларни қисқартиради “аларни бу таржимадин ўксуттум”/.

Навоий шу тариқа бадиий таржима орқали ўз ижодий матнини яратади. Мутасаввифларнинг ҳаёти ҳақидаги Навоийнинг хикоялари бамисоли қуёш

парчасидай алангаланиб туради ва уларни ўқиётганда худди тирик уриб турган қалб билан гаплашаётгандай бўласиз.

Навоий аввало бу асарга уни туркий халқлар ўқисин, билсин, ўз сўзлари билан айтганда “шуур ҳосил қилсун” деб кўл урди. Шуур – онг, ақл дегани. Навоийнинг “шуур ҳосил қилиш” мақсади билан асар яратгани таржимадан қанчалар катта мақсадларни кўзлаганини билдиради. Бу концепциядан кузатилган асос натижадир.

Таржимага шундай катта ижодий ният ва концептуаллик билан киришмоқликни биз олдинги адибларда, хусусан, Қутб Хоразмийда ҳам кўрамиз. У Низомий Ганжавийнинг «Хисрав ва Ширин» достонини ўзбекчалаштираркан, аввало бу гўзалликларидан ўз халқи:ни баҳраманд этишликни кўзлади. Низомий қанчалар улкан даҳо бўлмасин, Қутб унинг асарига ижодий муносабатда бўлди. Ўз даврининг ўқувчилари тушунчалари, тасаввурлари, ақидаларини ҳисобга олди. Асарнинг бир қанча бобларини қисқартирди, ихчамлади.

Мумтоз адабиётлар таржималарида Қутб, Хайдар Хоразмий, Сайфи Саройи, Навоий таржимада муҳим бир ижодий принципни қўлладилар. Аслиятни мукаммаллаштириш, уни давр ва ўз ўқувчиларига тушунарли қилиш, даврга мослаш, ҳамоҳанг қилиш, таржима матнини оригинал матн даражасига кўтариш йўлидан бордилар. Таржима ишига ватанпарварлик ва миллатпарварлик деб қарадилар. Мумтоз адиб таржимонларимиз бу каби ижодий концепцияларни назария орқали эмас, ҳаёт амалиёти, ижод тақозоси, давр талабини билиш, хис қилиш орқали қўллаган ва унга амалиёт орқали етиб келган эдилар.

Таржимачилик ижодида кўп маънода табиий стихияли йўлдан бориб улуғвор ижодий натижаларга эришган эдилар.

Эътибор берайлик. Навоий Жомий асаридан фарқли ўлароқ ўз асарни «Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват» деб ном қўйди. Бу билан ўз асарига аслий асар каби қараш- кераклигини уқтиргандай бўлди.

Навоий бошқа бир асарида ҳам шу усулни қўллади. У ҳазрат Алига нисбат бериладиган «Наср ул-лаолий» / “Марварид сочмалар”/ деб аталган

ҳикматларни ҳам таржима қилди. Ҳар бир ҳикматга тўрт мисраси ҳам гўзал тарзда мукаммал қофияланган рубоий бағишлади. Шу асосда оригинал услубли бир асар яратди ва унга энди "Назм ул-жавоҳир" деб от қўйди. Навоий ҳазрат Али ҳикматларини юксак шеърий сўз билан талқин этди. Талқинда анча фикрий жиҳатдан илгарилаб кетди. Бунда ҳам ўз концепциясига кўра туркий элларга маънавий наф келтиришни, уларни гўзал ахлоқий, фазилатлардан, фикр дурдоналаридан бахрадор этишни биринчи ўринга қўйди. Таржимада талқиннинг оригиналлиги янги кучли гўзал матн дунёга келишига сабаб бўлади.

## 3-мавзу. Таржимон услуби

У аслиятни бошқача кўриш, бошқача тасаввур қилиш ва шулар заминида аслиятга максимал даражада яқинлашиш дегани бўлади. Яна ҳам тушунарлироқ, қилиб айтадиган бўлсак, таржима диалектикаси бу – аслиятга ҳеч бир тарзда қул бўлиб қолмаслик ғоясидир. Аслида таржимада аслиятдан асло қочиб бўлмайди. Таржимон ҳар қандай ҳолда ҳам аслиятга маҳкам боғланган, у муаллиф билан яқиндан ҳамкорлик қилади. Бу ҳамкорлик одми, жўн такрор, қайтаришни эмас, балки том ва тугал ижодий муносабатни тақозо қилади.

Ўтган асрнинг етмишинчи йилларида бўлиб ўтган таржимонларнинг халқаро конференциясига раислик қилган француз адиби ва таржимони Пьер Франсуа Кайе "Аслиятнинг иродасига бўйсуниш зарурати – таржимон учун фожиа", деган сўзларни айтган эди. У бунда автор иродасини ифодалаш заруратини назарда тутган эди. Ўша конференцияда машҳур таржимон Вилгелм Левик унинг бу фавқулодда фикрига жавобан шундай деган эди:

"Автор ихтиёри изидан бориш чинакам таржимон учун фожиа эмас". /"ИЛ" журнали, 1979, №4. Материалы симпозиума «Новые достижения в области теории перевода»/.

Пьер Франсуа Кайе ўз фикрини ривожлантириб, яна шу гапларни ҳам қўшимча қилиб ўтган эди:

“Таржимонда шундай ҳолат борки, мен уни фожиа деб атаган бўлардим. Бу мимикрия ҳолати. Таржимон матнга бўйсунмасдан туриб, таржиманинг юзага чиқиши мумкин эмас. Таржимон матнга тақлид этишга, унинг изидан боришга мажбур. Яхши таржима қилиш учун зарур хусусиятларга эга бўлиб туриб ҳам, яна бошқа кимсанинг териси ичига кириш ҳам керак бўлади, деб Францияда кўп такрорлашади. Бу эса ҳар доим ҳам осон эмас”.

Ҳар бир таржимон бундай ҳолатларни бошидан кечирмай иложи йўқ. Немис адиби Ҳётенинг “Фауст” трагедиясининг ўзбек тилига қилинган таржимасига назар ташлаб ўтайлик. Шунда таржимон мимикрияси нима эканлиги, у муаллиф териси ичига қандай кириши ва жойлашиши нималигини балки аниқроқ тасаввур қиламиз.

Эркин Воҳидов “Фауст”ни қандай таржима қилиш устида йўл ахтараркан, бу улуғ асар таржимасига том маънода ижодий муносабатда бўлиш зарур деган қарорга келади.

Немис адиби матнига ҳижома = ҳижо, сўзма = сўз боғланиб ўтирмайди. Матнга қаттиқ ёпишиш олмайди.

Парчалар, бандлар, байтлар, сатрларнинг умумий руҳини акс эттириш – асар мазмунини муаллиф мақсадига яраша гавдалантиришга интилади.

Таржимон гоҳ Ҳёте сатрларни сўзма = сўз қуйма таржима қилади – гоҳ, шеър ўлчови, қофияси, вазни, шакли талабига кўра аслиятдан бир қадар узоқлашгандай бўлади. Нимасини айтасиз, аксаран ҳақиқатдан ҳам, аслиятдан узоқлашади. Лекин диққат қаралса, бу узоқлашиш муаллиф билан матнида бутунлай чиқиб кетиш эмас. Ёки унга тамомила эркин ёндошиш ҳам эмас. Муаллифни инкор этишга уриниш ҳам эмас.

Эркин Воҳидов нозик шоирона дид = фаросат билан қалам тебратади ва ўзбошимчаликка йўл қўймайди. У таъбир жойиз бўлса, эркинлик билан аниқлик, яъни энг юксак эквивалентлик ўртасида диалектик бирликни танлайди. Узоқлашиш орқали яқинлашиш, эркинликда аниқликка эришиш – мана унинг таржимадаги диалектик йўли.

Ҳар икки тилдаги таржимада ҳам матн зўриқмасдан, енгил парвоз ҳиссиёти билан ўқилади. Эркин Воҳидов Пастернак таржимасига эргашмайди, унга

қаттиқ ёпишиб ҳам олмайди. У “Фауст”нинг рус тилига қилинган бошқа таржималари ва хусусан, насрий сўзма = сўз таржимасига ҳам мурожаат қилади. Аслият матн мазмуни ва маъно қирралари ичига иложи борича чуқурроқ киришни кўзлайди. “Подражать другим не надо” – деган сатрни тўлиқ тушириб қолдиради. “Боятся неудач” жумласини эса ундан анчагина узоқлашиб, “ўйчилик зарар” – деб талқин қилади. Мана шу ерда биз узоқлашиш ва яқинлашиш деган принципнинг амалий ифодасини кўрамиз. “Хато қилиб қўйишдан қўрқиш”, “омадсизликдан қўрқиш”, “муваффақиятсизликка учрашдан қўрқиш” деганга ўхшаш бу ерда назарда тутилаётган поэтик маънолар “ўйчилик зарар” деган иборада мавжудми? Албатта, қай бир тарздадир сатрнинг маъноси шунга яқинлашиб боради. Лекин айни ўша маънонинг туп = тус ўзи эмас. Бу ўзбек таржимон = шоирининг оригинал сатри. Таржима матнига таржимон оригиналнинг кириб келиши. Шеърий таржима умуман таржимачиликда ғоятда ўзига хос ижодий бадиий ҳодиса сифатида бунга йўл, изн беради.

Эркин Воҳидов бу парча Ҳетени анча соддалаштиргандек туюлади. Худди Ҳетенинг образлари, шеърий тафсилотлари ўзбекча шеърга сиғмагандай, тушиб қолади. Русча матнда “В таком небе...” – деб бошланадиган матн ўзбек тилида соддагина қилиб, “кенг оламга таратиб чирой, ҳам улуғвор, ҳам латиф сузаётир ой” деган тарзда ифодасини топади.

Шеърий таржималарда бундай йўқотишлар табиийми? Таржима назарияси нормаларига сиғадими, тўғри келадими? Назария, албатта шеърий таржималарнинг жуда мураккаб бир санъат эканлигини тан олади. Бу ерда аниқлик, адекватлик меёрлари ғоятда нисбий бўлиб келади. Таржимадан мутлақлик ва мутлақ табиийлик ва аниқликни талаб қилиб бўлмайди. Таржимадан балки мутлақ бадиийлик ва мувофиқликни талаб қилиш ғоятда ўринли бўларди. Машҳур таржимон шоир Самуил Маршак шуни назарда тутибми, шеърий таржима тасаввурга сиғмайдиган нарса, ҳар бир муваффақиятли таржима қоидадан истисно, - деб айтган эди.

Таржимон ихтиёр = беихтиёр ўз она тилига ўгираётганда албатта ўзини чеклашга мажбур бўлади. Оригиналдаги барча сўзлар ва ифода шаклларини

тўлалигича ўз она тили стихиясига сиғдиролмайди. Хоҳлайдими = йўқми, таржима матни қисқартиради, торайди, баъзан эса заифлашади. Таржимон шу хоҳ = бехоҳ юз берган чекланишлар, йўқотишларнинг ўрнини тўлдириш учун ўзидан меъёрни сақланган ҳолда нималардир кўшади, матн образлари ёки ғоялари ёки фикрлар дунёсини кучайтиради. Тилнинг ва сўзларнинг янги илгари кўрилмаган қирралини очади. Таржимага ўз талантнинг янги кирраларини намоён қилиш имконияти деб қарайди.

## 4-мавзу. Таржимон фаолияти

Эрамиздан аввалги II минг йилликнинг бошларида Месопотамияда истиқомат қилган ҳурр ҳамда хетт халқларига даҳлдор матнларнинг парчалари топилган. Ҳурр халқларига мансуб достонлар ва хужжатлар дастлаб уларга яқин, қўшни яшовчи хетт тилларига таржима қилинган ва ушбу таржималарнинг матнлари сақланган. Айтайлик, Гилгамеш ҳақидаги достон версиялари таржималари, Хеддам деган аждаҳо ва Қумарви деган илоҳ ҳақидаги кўз илғамас замонларнинг афсоналари ва уларнинг таржималари бўлган. Подшоҳларнинг солномалари адабий тилда баён этилган ва бошқа тилларга ўгирилган.

Юқори Сурия / Шом /, Урарту, Кичик Осиё, Месопотамия – Дажла ва Ефрат дарёлари оралари ва бўйлари, Сир ва Аму, Ҳинд, Хуанхэ, Булға (Волга) каби буюк дарёлар бўйларида яшаган халқларнинг ёзма маданиятлари шаклланиб, улар заминида таржимачилик ҳам юзага чиққан ва инсоният маданиятининг узвига айланган.

Замонлар ўтиши билан таржимага қарашлар ҳам ўзгариб борган. Таржима тилларaро алоқа воситасидан бора-бора санъат турига айланган. Илгари тилмочлар сўзларнинг мазмунини баён қилиб беришга уринганлар. Савдогарлар, саёҳатчилар, элчилар, подшоҳлар тил билишга ҳаракат қилганлар. Савдо-сотиқ ва саёҳатлар, бошқа мамлакатларни билиш ва ўрганишни тил билимисиз хатто тасаввур ҳам қилиб бўлмаган. Халқаро муносабатларда у соф амалий вазифани ўтаган. Шуниси ҳам борки, узоқ замонлар таржиманинг назарияси, йўллари, усуллари устида ҳеч ким бош

қотирмаган. Мазмунни эркин ва шу билан бирга аниқ баён қилиш таржима учун энг муҳим ҳусусият деб билинган ва шунга риоя этилган. Инсониятнинг улуғ достонлари, буюк тарих китоблари, илоҳий битиклар бошқа тилларга ҳам таржима қилина бошлагач, таржиманинг аҳамияти ортган. У сўз санъати эканлиги ҳақидаги тушунчалар мустаҳкамланган. Диний таълимотларнинг ер юзи халқлари орасида тарқалиши ва устувор бўлишида ҳам сўз санъатига айланган таржима жуда катта рол ўйнаган дейиш мумкин.

Ўзбекистонда ҳам юнон, ҳинд, хитой, араб, Византия манбаларини таржима қилишга уринишлар Искандар Мақдуний замонларидан бошланган. “Авесто” ва Буддоий таълимотга даҳлдор битикларни таржима қилишга уринишлар бўлган. Лекин ислом маданиятининг кириб келиши, халқларнинг алоқа доираларининг кенгайиши VII – XII асрларда Турон кенгликларидан, Хоразм, Бухоро, Термиз каби кўҳна маданият бешикларидан Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний сингари улкан иқтидорли алломаларнинг туғилиши, сўфийлик таълимотларининг ёйилиши оқибатида араб, форс, қадимги туркий тилларнинг мавқейи ортди, илмий-адабий манбаларни таржима қилиш куртаклари ниш урди.

Форобий, Хоразмий, Ибн Сино, Беруний сингари даҳоларнинг илмий фаолиятини таржималарсиз кўз ўнгига келтириб бўлмайди. Кенг миқёсдаги тил билимларисиз уларнинг тиббиёт, астрономия, фалсафа, физика, жўғрофия, геодезия, аҳлоқ, диний таълимотлар, алгебрага доир мангу тирик китобларини кўз ўнгимизга келтиришимиз қийин, албатта.

Абу Райҳон Беруний ўзининг дунёга машҳур “Ҳиндистон” асарида “менинг бутун орзу-ниятларим, энг суйган машғулотим билимларни тарқатишдан иборат”, деб ёзган эди. Билим тарқатиш, тилларни кунт билан ўрганиб қомусий билимлар тарқатиш учун таржималар қилди. У ҳинд фалсафасининг машҳур “Санкҳия” ҳамда “Патанжала” асарларини араб тилига таржима қилди. У улуғ китоб “Панчатантра”нинг (“Беш муқаддас китоб”) арабча ва форсчага қилинган таржималарига танқидий муносабатда бўлди, уларнинг таржимасини сохта ва ишончсиз деб топди. Вақтим имкон

берса, “Панчатантра”ни асл санскритчадан таржима қилишни истар эдим, деган сўзларни ёзиб қолдирди.

XI асрда туркий маданият оламида тенгсиз буюк тарихий ҳодиса юз берди: Шарқий Туркистонда туғилган буюк филолог олим, элшунос адиб Маҳмуд Қошғарий “Девону луғотит турк” (“Туркий сўзлар девони”) деб номланган улуғвор асарини яратди. Бу асарда у жуда қадим туркий ҳикматли сўзлар, қўшиқлар, мақол ва маталларни йиғиб жамлади ва уларни араб тилига таржима қилди. Кенг шарҳлаб берди. Туркий дунё тарихи маданиятидан дунё хабардор бўлди.

XII асрда Турон диёридан чиққан яна бир даҳо аллома Маҳмуд Замахшарий “Муқаддимат ул-адаб” деган арабча - форсча луғат тузди. У араб тили грамматикаси асосларини тушунтириб, “Ал-муфассал” деган дарслик китоб ёзди, бу китоб XIII асрда туркий тилга таржима қилинди. У луғатшунослик ҳақида “Асос ал-балоға” деган тил фасоҳатига бағишланган китоб яратди. “Ал-Кашшоф” номли Қуръон шарҳи китобини ёзди. Салжуқий подшоҳлар даврида эса буюк аллома Абу Ҳомид Муҳаммад ал-Ғаззолийнинг “Насиҳат ул-мулк” / “Подшоҳларга насиҳат”/ китоби туркийга ўгирилди.

Буюк озар шоири Низомий Ганжавий 1180 йилда машҳур беш достони “Ҳамса”ни яратди. 1340 йилда ўзбек шоири Қутб Хоразмий мана шу Низомий “Ҳамса”сининг “Ҳусрав ва Ширин” достонини қадим ўзбекчага юксак бадиий дид ва санъаткорлик билан таржима қилди. Қутбнинг мана шу асари билан ўзбек тилидаги бадиий таржима тарихига улкан асос қўйилди. У ўзбек таржимачилигининг ҳақиқий тамалтошига айланди.

1390 йилда улуғ шоир Сайфи Саройи томонидан буюк форс шоири Саъдийнинг “Гулистон” аҳлоқий-панд-насиҳат асари туркий тилга таржима этилди. Шоир ўз таржимасига худди Қутб каби жуда катта масъулият билан ёндошди, таржимага эркин, ижодий муносабатда бўлди.

Таржима Навоий даври ва Навоий қаламида янги босқичга кўтарилди. Навоий таржимага туркий элларни бошқа халқларнинг маданиятлари, илм-тафаккур, аҳлоқий дунёларидан баҳрадор айлагувчи буюк бир маданий ҳодиса деб билди. Бадиий таржимага янги асар яратиш учун манба деб

қаради. У Абдураҳмон Жомийнинг “Нафаҳот ул-унс ва ҳазарот ул-қудс” деб номланган асарини ўзбек тилига таржима қиларкан, бу асарга тугал ижодий муносабатда бўлди. Уни бойитди. Ўз замонасининг ўқувчисига мослади, Жомий асари асосида янги бир асарни қайта дунёга келтирди. Насрнинг ажиб бир гўзал ўзбекча услубини очди. Навоий ўз севган ва болаликдан муҳаббат билан эъзозлаган Фаридиддин Атторнинг “Мантиқ ут-тайр” (Қушлар мантиқи) асари асосида ҳам ўзининг “Лисон ут-тайр” (Қуш тили) деган гўзал фалсафий-аҳлоқий достонини ёзди. Шу билан бирга Навоий ҳазрат Алига нисбат бериладиган унинг “Наср ул-лаолий” деган ҳикматларини ҳам гўзал рубоийлар шаклида таржима қилишга муяссар бўлди.

Мумтоз бадиий таржиманинг Қутб, Саройи, Навоий яратган гўзал анъаналари XVI-XIX асрларда Муҳаммад Али бин Дарвеш Али, Диловархўжа, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Хомуший, Мунис, Огаҳий, Комил Хоразмий, Табибий, Рожий, Баёний, Хиромий, Алмаий, Сидқий Хондайлиқий сингари улкан истеъдод эгалари мумтоз адабиётимиз вакилларининг бадиий таржималарида давом этди.

## 5-мавзу. Таржимон маданияти

Ўзбек тилининг луғат бойлиги бошқа тиллар каби қўшни, қардош, чет эллар билан узоқ тарихий муомала, муносабат, маданий, савдо-сотиқ, алоқалари давомида атамалар, ранг-баранг тушунчаларни ифода қилувчи сўзлар қўшилиб, бойиб, ўзгариб, ифода имкониятлари ҳам кенгайиб борган.

Жуда қадим замонлардан бери ҳинд, араб, хитой, юнон, форс, рус, иврит, лотин, инглиз, герман, француз, италиян, мўғул, испан, қардош туркий халқар тиллари бир-бирларига ўз таъсирларини ўтказганлар, тилларнинг луғат бойликларнинг кенгайиши ва теранлашувига хизмат қилганлар. Миллий тилимиз таркибига турли хорижий тиллардан кирган сўзлар ижтимоий-маданий тараққиёт жараёнларида шунчалар ўзлашиб, миллий тил стихиясининг ичига кириб кетганки, хозир шундай у ёки бу сўзни ишлатганда, уни бошқа тилдан кириб келганлигини ажратиб, фарқлаб

ўтирилмайди. Фақат изоҳли луғатлардагина сўз қайси тилдан кирганлиги қайд этиб ўтилади, холос. Денгизга кўп дарёларнинг сувлари қуйилади. Кейин қайси дарёнинг суви эканлигини асло ажратиб бўлмайди. Аммо бундан қатъи назар кишилар денгиз сувларидан турли мақсадларда бемалол фойдаланаверадилар. Лекин илм-фан миллий тил таркибига ажнабий тиллардан кирган сўзларни аниқлайди, уларнинг кириб келиш ва ўзлашиш тарихини ўрганади, тиллар ривожини қиёсий таҳлилларда кузатиб боради.

Жонли сўзлашувларда сўзлар, уларнинг қандай келиб чиққанидан қатъий назар бемалол, эркин қўлланади. Жонли сўзлашувнинг ўз стихияси мавжуд. Жонли сўзлашувда ахборот бериш, фикрни тушунтириш, хиссиётни ифодалаш муҳим. Мулоқот иштироқчилари фикрлашиш равшанлигига, баённинг таъсирчанлигига ва мазмундорлигига диққат = эътибор қиладилар. Фикрларига, баён қилинаётган воқеага кутилмаганда, илмийроқ, салмоқлироқ, тантаналироқ, фавқулодда-роқ тус беришни истаб қолсалар, орага ноёб сўзларни ҳам қистириб юборадилар. Нутқа жарангдорлик, кўтаринкилик, шоироналик бағишлаш учун антиқа, ноёб сўзларни ишлатадилар. "Бирлик" дегандан кўра "консолидация", кўтаринлик дегандан кўра: “эйфория” демакликни айни ўринда афзал кўрадилар. "Халқчиллик" дейиш ўрнига "демократия"' дейдилар, “янгилик” дегандан кўра муайян бир шароитда “жадид” ёки "модерн” дейиш маъқулроқ, кўринади. Ижтимоий ҳаракатлар, маълум бир соҳаларда катта ўзгариш ясаган оқимлар, ўзгача йўллар яратилганда, уларни авангардизм, модернизм, сюрреализм, поп-арт ёки юзлаб шунга ўхшаш жадидона сўзлар билан ажратиб кўрсатадилар.

Ажратиб кўрсатиш учун маърифатчилик, миллий озодлик, демократик ҳаракатлар йўлидаги шарқона уринишларни айтайлик жадидизм деб белгилайдилар ва сўнг бу мамлакатлар ва халқлар тарихий, ижтимоий, маданий-маърифий ҳаётида жуда катта рол ўйнаган ҳаракат номига айланади ва унинг ўзига хослигини, такрорланмас хусусиятларини англатади. Сўз - терминга, термин оқим номига, унинг тарихий паспорти, тамғаси, символига айланади. Ноёб, хориждан кирган сўзларни қўллаш фикрнинг холис қабул қилиниши, бирдай англаниши учун ҳам хизмат қилади. Терминлар, атамалар,

истилоҳлар фикрнинг холис тушунилишига, объективлаштиришга хизмат қилади.

Бадиий, илмий-фанний адабиётларда хориждан кирган ёки кириб келаётган ранг-баранг сўзларни қўллашнинг ўз вазифалари, йўл = йўриқлари, усуллари мавжуд.

Бадиий, илмий адабиётларда ноёб хорижий сўзлар персонажлар ҳамда автор нутқини ҳарактерлаш, уларга эмоционал рангдорлик, ўзгача бир маъно, руҳий иқлим бағишлаш; масалани халқаро миқёсда қабул қилинган термин = истилоҳлар воситасида том илмий тарзда қўйиш, ривожлантириш, ечишни кўзда тутади. Илмий адабиётларда хорижий махсус терминларсиз фикрлаш, баён қилиш, муддаони очиш имконсиз бир ҳолга айланган.

Баъзи тарихий даврларда бир қанча тиллар шунчалар яқин алоқалар жараёнларига кирадиларки, натижада адабий тиллар тубдан ўзгариб кетадилар. XIV - XV асрларда Турон ва Туркистонда, Хуросон, Араб, Форс, Ҳинд, Чин-Мочин заминларида шундай буюк тил алоқа жараёнлари юзага чиққан эди. Араб, форс, туркий тиллар беҳад бойиган, Ўзбекистонда эса Навоий тили деб ном олган фавқулодда бой, тугал бир ҳазинага айланган адабий туркий ўзбек тили дунёга келган эди. Навоий адабий тили Жонли сўзлашув тилидан беҳад илгарилаб кетди. Уни англаш учун Навоий давридаёқ махсус Навоий тили луғатлари яратила бошлади.

## Семинар машғулотлари

| № | Семинар машғулотлар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **2-семестр** | | |
| 1 | “Таржимонлик мутахассислигига кириш” фани предмети | 2 |
| 2 | Таржимонлик касбининг роли | 2 |
| 3 | Таржимонлик махороти | 2 |
| 4 | Таржимонлик услуби | 2 |
| 5 | Таржимонлик фаолияти | 2 |
| 6 | Таржимонлик маданияти | 2 |
| 7 | Таржимонлик методлари | 2 |
| 8 | Таржимонлик мактаблари | 2 |
| 9 | Буюк таржимонлар фаолияти | 2 |
| Жами: | | 18 |

## 1.1. Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

(семинар/амалий машғулот) – 2 соат

| *Вақт*: 2 соат | *Талабалар сони:* 10-15 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Кириш, семинар |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | - Таржимон маърифат тарқатувчи.<br>- Таржима хақида олимларнинг фикрлари<br>- Таржимоннинг асосий вазифалари |
| *Ўқув машғулоти мақсади:* | Таржимоннинг роли, таржимоннинг асосий вазифалари ҳақида талабаларга билим ва кўникмалар бериш ҳамда таржима хақида олимларнинг қарашлари тўғрисида билимларни ҳамда тўлиқ тасаввурни шаклантириш. |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Таржимашуносликда таржимоннинг ўрни ва ролини тушинтириш;<br>• Таржима ҳақида олимлар билдирган фикрлар билан таништириш;<br>• Талабаларга таржимоннинг асосий вазифаларини тушинтириш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Таржимашуносликда таржимоннинг ўрни ва ролини изохлайди;<br>• Таржима ҳақида олимлар билдирган фикрларни айтиб беради;<br>• Таржимоннинг асосий вазифаларини айтиб беради. |
| *Таълим усуллари* | Визуал семинар, амалий, баён қилиш |
| *Таълим шакли* | Маърузалар матни, тарқатма материаллар |
| *Таълим воситалари* | Жамоа, гурух ва жуфтликда ишлаш |
| *Таълим бериш шароити* | Аудитория |

## 1.2 Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

(семинар/амалий машғулот) – 4 соат

| *Вақт*: 4 соат | *Талабалар сони:* 10-15 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Семинар |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | - Билим маҳорати<br>- Сўзлашиш маҳорати<br>- Асл нусха мазмунини англаш маҳорати<br>- Таржимон махоратининг асосий кўринишлари<br>- Бадиий асарларни таржима қилиш. |
| *Ўқув машғулоти мақсади:* | Таржимоннинг билим маҳорати, сўзлашиш маҳорати, асл нусха мазмунини англаш маҳорати ҳамда таржимон махоратининг асосий кўринишлари ҳақида талабаларга билим ва кўникмалар бериш шунингдек бадиий асарларни таржима қилиш тўғрисида талабаларда тўлиқ тасаввурни шаклантириш. |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Таржимоннинг билим ва сўзлашиш маҳоратини тушинтириш;<br>• Асл нусха мазмунини англаш маҳорати тўғрисида тушунча бериш;<br>• Таржимон махоратининг асосий кўринишларини тушинтириш;<br>• Бадиий асарларни таржима қилишга ўргатиш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Таржимоннинг билим ва сўзлашиш маҳоратини изохлайди;<br>• Асл нусха мазмунини англаш маҳорати тўғрисида тушунча хосил қилади;<br>• Таржимон махоратининг асосий кўринишларини айтиб беради.<br>• Бадиий асарларни таржима қилиш бўйича билим ва кўникмаларини бойитади. |
| *Таълим усуллари* | Визуал семинар, амалий, баён қилиш |
| *Таълим шакли* | Маърузалар матни, тарқатма материаллар, И.Ғофуров “Таржимонлик мутахассислигига кириш” |
| *Таълим воситалари* | Жамоа, гурух ва жуфтликда ишлаш |
| *Таълим бериш шароити* | Аудитория |

## 1.3Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

(семинар/амалий машғулот) – 4 соат

| *Вақт*: 4 соат | *Талабалар сони:* 10-15 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Семинар |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | - Таржимон услуби билан ёзувчи услубининг монандлиги<br>- Шеъриятда таржимоннинг услуби<br>- Таржимон услубининг хусусиятлари. |
| *Ўқув машғулоти мақсади:* | Таржимон услуби билан ёзувчи услубининг монандлиги, шеъриятда таржимоннинг услуби ҳамда таржимон услубининг хусусиятлари ҳақида талабаларга билим ва кўникмалар бериш ва тўлиқ тасаввурни шакллантириш. |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Таржимон услуби билан ёзувчи услубининг монандлигини тушинтириш;<br>• Шеъриятда таржимоннинг услуби тўғрисида тушунча бериш;<br>• Таржимон услубининг хусусиятларини тушинтириш; | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Таржимон услуби билан ёзувчи услубининг монандлигини изохлайди;<br>• Шеъриятда таржимоннинг услуби тўғрисида тушунча хосил қилади;<br>• Таржимон услубининг хусусиятларини изохлайди. |
| *Таълим усуллари* | Визуал семинар, амалий, баён қилиш |
| *Таълим шакли* | Маърузалар матни, тарқатма материаллар, И.Ғофуров "Таржимонлик мутахассислигига кириш" |
| *Таълим воситалари* | Жамоа, гурух ва жуфтликда ишлаш |
| *Таълим бериш шароити* | Аудитория |

## 1.4Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

(семинар/амалий машғулот) – 2 соат

| *Вақт*: 2 соат | *Талабалар сони:* 10-15 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Семинар |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | - Таржимон  фаолиятининг асосий вазифалари;<br>- Таржимон фаолиятининг турлари;<br>- Таржимон фаолиятидаги масъулиятлар. |
| *Ўқув машғулоти мақсади:* | Таржимон  фаолиятининг асосий вазифалари, таржимон фаолиятининг турлари ва таржимон фаолиятидаги масъулиятлар ҳақида талабаларга билим ва кўникмалар бериш ҳамда тўлиқ тасаввурни шакллантириш. |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Таржимон фаолиятининг асосий вазифаларини тушинтириш;<br>• Таржимон фаолиятининг турлари билан таништириш;<br>• Таржимон фаолиятидаги масъулиятлар ҳақида тушинча бериш. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• таржимон фаолиятининг асосий вазифаларини изохлайди;<br>• таржимон фаолиятининг турларини айтиб беради;<br>• таржимон фаолиятидаги масъулиятларни айтиб беради. |
| *Таълим усуллари* | Визуал семинар, амалий, баён қилиш |
| *Таълим шакли* | Маърузалар матни, тарқатма материаллар, И.Ғофуров “Таржимонлик мутахассислигига кириш” |
| *Таълим воситалари* | Жамоа, гурух ва жуфтликда ишлаш |
| *Таълим бериш шароити* | Аудитория |

## 1.5 Семинар машғулотини олиб бориш технологияси

(семинар/амалий машғулот) – 4 соат

| *Вақт*: 4 соат | *Талабалар сони:* 40-50 |
|---|---|
| *Ўқув машғулотининг шакли ва тури* | Семинар |
| *Маъруза режаси / ўқув машғулотининг тузилиши* | - Сўзлашув маданияти.<br>- Билим маданияти.<br>- Урф- одатларнинг маданиятга таъсири.<br>- Кийиниш маданияти. |
| *Ўқув машғулоти мақсади:* | Сўзлашув маданияти, билим маданияти, урф-одатларнинг маданиятга таъсири ҳамда кийиниш маданияти ҳақида талабаларга билим ва кўникмалар бериш ва тўлиқ тасаввурни шаклантириш. |
| *Педагогик вазифалар*:<br>• Таржимоннинг сўзлашув маданиятини тушинтириш;<br>• Таржимоннинг билим маданияти тўғрисида тушунча бериш;<br>• Урф- одатларнинг маданиятга таъсирини тушинтириш;<br>• Кийиниш маданияти. | *Ўқув фаолияти натижалари*:<br>• Таржимоннинг сўзлашув маданиятини изохлайди;<br>• Таржимоннинг билим маданияти тўғрисида тушунча хосил қилади;<br>• Урф- одатларнинг маданиятга таъсирини изохлайди;<br>• Кийиниш маданияти тўғрисида тушунча хосил қилади. |
| *Таълим усуллари* | Визуал семинар, амалий, баён қилиш |
| *Таълим шакли* | Маърузалар матни, тарқатма материаллар, И.Ғофуров “Таржимонлик мутахассислигига кириш” |
| *Таълим воситалари* | Жамоа, гурух ва жуфтликда ишлаш |
| *Таълим бериш шароити* | Аудитория |

**Талабалар мустақил таълими учун тавсия этилган мавзулар**

1. Таржимонлик касби ва унинг жамиятдаги роли
2. Ғайбулла Саломов – буюк таржимон
3. Таржиманинг семантик ва стилистик хусусиятлари.
4. Таржима қилиш муаммолари.
5. Таржиманинг Эмфатик конструкциялари.
6. Таржима жараёнида лексик – семантик жиҳатлари.
7. Таржима жараёнида грамматик конструкциялар.
8. Фразеологик ва ижтимоий – сиёсий матнлар.
9. Синхрон таржима қилиш муаммолари.
10. Таржима турлари.
11. Таржиманинг лингвистик ва нолингвистик аспектлари.
12. Муқобил ва вариант мутаносибликлар.
13. Сўзнинг кўп маънолилиги ва таржима.
14. Таржимада лексик трансформациялар.
15. Реалиялар таржимаси.

# ИЛОВАЛАР

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди
№_____________
2015 йил “___” _____

Ўзбекистон Республикаси
Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлигининг 2008 йил “__”
______даги “_____” –сонли
буйруғи билан тасдиқланган

## ТАРЖИМА НАЗАРИЯСИ ВА ТАРИХИ
(инглиз тили)

## НАМУНАВИЙ ЎҚУВ ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100 000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120 000 - Гуманитар фанлар
Таълим йўналиши: 5120200 - Таржима назарияси ва амалиёти

**Тошкент – 2017**

Фаннинг ўқув дастури Олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими ўқув-методик бирлашмалари фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг 20__ йил “__ “ _____даги “___ “ – сон мажлис баёни билан маъқулланган.

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

**Тузувчилар:**

Мўминов О.М. - ЎзДЖТУ, таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси, ф.ф.н., профессор

**Тақризчилар:**

Саидов А.С. – Ўзбекистон Республикаси давлат солик академияси доценти, ф.ф.н.

Қамбаров Н.М. – ЎзДЖТУ, таржимашунослик назарияси ва амалиёти кафедраси ф.ф.н., доцент

Фаннинг ўқув дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг Илмий-методик кенгашида тавсия қилинган (20__ йил “__ “ _____даги “___ “- сонли баённома)

## Кириш

Таржима назарияси ва тарихи фани 1,2 ва 4 курс талабаларига мўлжалланган. Мазкур фаннинг асосий мақсади бўлажак бакалавр таржимонларга замонавий таржимашуносликнинг асосий ҳолатини таништириш, уларда таржима маҳорати, назарий ва амалий кўникмаларни ҳамда таржима тарихини шакллантиришга қаратилган. Бу асос албатта бўлажак бакалавр таржимонларга келажак фаолиятида, қолаверса, олий ва ўрта таълим муассаларида таржимага ўргатиш услубини эгаллашга ёрдам беради.

## Ўқув фанининг мақсади ва вазифалари

Таржима назарияси ва тарихи курсини ўрганиш ўрганилаётган чет тилининг ўзига хос хусусиятларини чуқур тушуниб етишга, ўрганилаётган чет тилини ўзбек ва рус тиллари билан қиёслаб ўрганишга, таржима фаолиятининг ижтимоий аҳамиятини англашга; таржиманинг халқаро маданий алоқалардаги ўрнини кўрсатиб беришга йўл очиб беради. Шунингдек, таржима назарияси ва тарихи курси чет тилини ўқитишда таржима назариясининг бир неча боғлиқлигини очиб беради.

**Фаннинг мақсадларидан бири** - талабаларни таржима жараёни ва натижа сифатидаги асосий муаммолар билан таништиришдан иборат. Фаннинг вазифалари жумласига замонавий лингвистик тадқиқотлар контекстида таржима назариясининг ўрни, коммуникациянинг алоҳида тури сифатида таржима билан боғлиқ бўлган муаммоларни текшириш, таржима назариясининг асосий категорияларини, таржимашунослик муаммоларини тадқиқ этиш материали ва услубларини кўриб чиқишдан иборат.

**Ўқув фанининг вазифаси** - таржима соҳасида билим ва кўникмаларни шакллантиришнинг назарий асоси ҳисобланиб, шу билан биргаликда таржимашунослик тарихи ва таржима мактаблари ҳақида маълумот бериб, шунингдек, талабанинг таржима ихтисослиги бўйича тайёрланишини таъминлайдиган ва қолган назарий фанларни, хусусан, умумий таржима назарияси фанини, оғзаки ва ёзма таржимаeasига кириш ва махсус фанларни ўзлаштиришга тайёрлайди.

## Фан бўйича талабаларнинг билимига, малака ва кўникмасига қўйиладиган талаблар

Талабалар таржима назарияси ва тарихи фани бўйича қуйидагиларни ***билишлари лозим:***

- она тилига ва ундан чет тилига таржима қилишнинг лексик, семантик ва фразеологик муаммолари; инглиз ва она тили луғат бирликлари маъносининг тенг бўлмаган ҳажми ва мазмуни, таркибий қисмларининг фикр ҳосил қилувчи маъно қоидалари
- она тилига таржима қилишнинг грамматик муаммолари, инглиз ва она тилида бир хил гап тизимларининг функционал ва шаклан мос келишлиги ва келмаслиги

- она тилига таржима қилишнинг стилистик муаммолари; таржима қилинган матн жанрига тил воситаларини танлашнинг муҳимлиги
- таржима турлари: ёзма ва оғзаки таржима, уларнинг ўзига хосликлари. Таржиманинг лингвистик ва полингвистик аспектлари, сўзма-сўз, адекват ва эркин таржима.
- таржима трансформациялари. Таржимада контекстнинг роли, тор ва кенг контекстлар ва тилдан ташқари ҳолатлари
- синхрон таржимада лексик бирикмаларни ишлатиш йўллари
- категорияли семантик компонентлар
- таржиманинг стилистик муаммолари ҳақида тасаввурга эга бўлиши керак.
- Европадаги романлар, скандинавлар ва норманлар истилоси даврдаги таржимага бўлган эътибор;
- Қадимий таржима мактаблари ва уларнинг фан, маданиятга қўшган ҳиссалари;
- талабалар бу курсни ўтишларидан аввал хорижлик ва ўзбекистонлик таржимонлар ҳақида маълумотга эга бўлишлари лозим. Ўтиладиган мавзуларни олдидан билган талабалар энциклопедия ёки интернетдан зарур маълумотларни тўплаш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***
- Европа мамлакатларининг буюк таржимонлари ва уларнинг таржимонлик фаолиятлари, фикр мулоҳазалари, улуғ намоёндалари Ал-Хоразмий, Абу Райхон Беруний, Ибн Сино, Фаробий, Бобур, Алишер Навоий ва бошқаларнинг таржимачиликка қўшган ҳиссалари ***малакаларига эга бўлиши зарур.***

## Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвий кетма – кетлиги

Таржима назарияси ва тарихи фани асосий ихтисослик фани ҳисобланиб, 7,8 - семестрларда ўқитилади. Дастурни амалга ошириш айниқса, амалий фонетика ва амалий грамматика, чет эл адабиёти фанлари билан бевосита боғлиқ бўлиб, ушбу дарсларда талабалар олган билимларини умумий тилшунослик, тил тарихи, назарий фонетика, грамматика, лексикология, стилистика, таржима, қиёсий типология, шунингдек, психология, педагогика, методика фанлари бўйича назарий курсларни ўрганиш жараёнида фойдалана билишлари шарт. Мазкур фан ушбу фанлар билан алоқадорлигини ва мазмуний узвийлигини таъминлайди.

## Фаннинг амалиётдаги ўрни

Таржима назарияси ва амалиёти таълим йўналиши бўйича бакалавр тайёрлаш босқичининг ажралмас бўғини сифатида таржима назарияси ва тарихи (инглиз, немис, француз, испан) тиллари умумкасбий фани ҳисобланиб, талаба-бакалаврларнинг турли хорижий қўшма корхоналарда, аэропортларда, божхоналарда ёки радио, телевидение ҳамда хорижий давлатлар билан боғлиқ давлат ва нодавлат ташкилотларда, халқаро фонд ва шу кабиларда фаолият кўрсатишга ёрдам беради.

Бу эса талабаларнинг касбий фаолиятида чет тилларини амалий қўллаш малакасини ҳосил қилади.

## Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Талабаларнинг таржима назарияси ва амалиёти фанини ўзлаштиришлари учун ўқитишнинг илғор ва замонавий усулларидан фойдаланиш, янги информацион педагогик технологияларни тадбиқ қилиш муҳим аҳамиятга эгадир. Фанни ўзлаштиришда дарслик, ўқув ва услубий қўлланмалар, тарқатма материаллар, электрон материаллар, вертуал стендлар ҳамда компьютерлардан фойдаланилади.

## Асосий қисм

### Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Таржима назарияси ва тарихи фанининг бошқа лингвистик фанлар орасида тутган ўрни.

Таржима натижа ҳамда жараён сифатида. Таржима ечимларининг олдидан кўра билиниши – масаланинг ижобий ёки салбий ҳал этилиши. Таржима жараёнининг илмий асосланган тавсифини тузиш ва унинг натижасини таҳлил қилиш мумкинлиги.

Таржима назариясининг бошқа лингвистик фанлар билан алоқаси. Ўзаро боғлик тилшунослик фанлари ва уларнинг таржима назарияси билан алоқаси таржиманинг ижтимоий ва психолингвистик муаммолари. Машинада таржима қилиш. Таржима назариясининг таркибий тузилиши, умумий ва махсус таржима назариялари.

### Таржима қилиш муаммоси

Фикрнинг моҳиятини бошқа тил воситалари билан етказиш мумкинлиги тўғрисидаги масаланинг қўйилиши. В.Фон Гумбольт ва унинг издошлари ғоялари. Э.Сейпер ва Б.Уорф гипотезаси.

Дунёнинг тил манзараси тушунчаси. Тил ва тафаккурнинг ўзаро нисбати муаммоси ҳамда унинг турли тилшунослик мактаблари доирасида ҳал этилиши.

Лингвистик нисбийлик назарияси ва унинг танқидий таҳлилини таржима қилиш тўғрисидаги саволга ижобий жавоб бериш учун асослар.

Таржимада таржима қилиб бўлмайдиган сўз, сўз бирликлари ва иборалари ва уларни таржима қилиниб бўлмасликни бартараф этиш усуллари. Эквивалентсиз шакллар: уларнинг экстралингвистик ва лингвистик манбаи.

### Жараён сифатида таржиманинг асосий муаммолари

Таржима бирлиги тушунчаси. Таржима бирликлари ва тил даражалари тизими.

Муайян таржимачилик ечимида таржима бирлигини танлаш тизимида матннинг ўрни.

**Таржимон трансформациялари**

Тилшуносликда трансформация тушунчаси, унинг таржимон фаолиятида қўлланиши.

Асосий тил (АТ) доирасидаги трансформациялар, уларнинг сабаблари ва олдиндан тахмин қилиниши мумкинлиги.

Таржима тили (ТТ) доирасидаги трансформациялар, уларнинг сабаблари ва олдиндан тахмин қилиниши мумкинлиги.

Таржимада трансформацияларнинг турлари.

**Матннинг маданий-коннотацияланган таркибий қисми ва у сабабли юзага келадиган муаммолар**

Матннинг маданий коннотацияланган таркибий-қисмий тушунчаси.

В. Фон билимлари ва уларнинг таржимон фаолиятида тутган ўрни. В. Фон билимларини эгаллаш усуллари.

Махсус маълумотнома адабиётлари, мамлакатшунослик соҳасининг умумий маълумотлари. Матннинг маданий-коннотацияланган таркибий-қисми сабабли юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этишга доир таржимон стратегиялари, уларнинг аниқланувчанлиги ва олдиндан тахмин қилиниши.

**Таржима матнининг асосий муаммолари**

Таржиманинг эквивалентлиги тушунчаси. Эквивалентлик категорияси моҳиятини тушуниб олишга бўлган дастлабки уринишлар. Мамлакатимиз назариётчиларининг муаммоларини ҳал этишга қўшган хиссалари.

Испания ва Лотин Америка олимларининг асарларида эквивалентлик категориялари муаммоси. Эквивалентлик категориясининг тузилиши, унинг иерархик хусусияти ва унинг таржима стратегияси учун аҳамияти. «Эквивалентлик» ва «айнан бир хиллик» тушунчаларининг ўзаро нисбати. «Эквивалентлик» даражаси ва «таржима бирлиги даражаси» тушунчаларининг ўзаро нисбати.

**Таржимашуносликнинг нуқтаи назаридан асос ва таржима тилларининг ўзаро нисбати, тилда универсаллик ва миллийлик**

Тилллараро ассиметрия ва у келтириб чиқарадиган муаммолар.

Турли хил ўзлаштирмалар, уларнинг таржимон томонидан қийинчиликларни ечиш жараёнида пайдо бўлиши.

Интернационал сўзлар, уларнинг хусусиятлари ва таржимадаги роли.

Таржимоннинг сохта дўстлари, услубий хулосалари.

**Турли хусусиятли услубларга хос матнларни таржима қилишнинг ўзига хослиги, хусусиятли услуб тушунчаси**

Публицистик услубнинг ўзига хос хусусиятлари. Публицистик матнларнинг миллий ўзига хослиги ва у юзага келтирадиган таржима муаммолари.

Илмий ва илмий-оммабоп услубнинг ўзига хос хусусиятлари, илмий матнларнинг миллий ўзига хослиги ва у келтириб чиқарадиган муаммолар.

**Таржимадаги муваффақиятсизликлар ва уларнинг манбалари таржимон фаолият юритаётган иштирокчи шахс сифатида**

Таржиманинг устувор йўналишлари.

«Матн муаллифининг А-га мослашиб иш тутиши (йўналиш олиши) ва шундан келиб чиқадиган ечимлар».

Сўзма-сўз ва эркин таржима тушунчаси, уларнинг таржима бирлик категорияси билан ўзаро нисбати.

**Таржима тарихи**

Қадимий қўлёзмаларнинг икки тиллилиги. Роман истилоси ва унинг маданиятлар ва таржимашунослик ривожига таъсири. Қуръон таржимасининг тарихи. Симмахоум ва Айронимларнинг инжил таржимаси тарихи. Кўп подшоликлар даврида таржимага эътибор. Скандинавлар истилоси даврида таржимага бўлган эътибор.

**Ўрта аср таржимаси**

Ўрта асрларда таржиманинг ривожланиши, "Полихроникон" Жонде Тревайзе таржимасида, “Инжил”ни таржима қилиш тарихи, Ж. Чосер, Шекспир асарларининг турли тилларга таржимаси, XX аср таржимачилигида муаммолар ва қарашлар, рус таржимон олимлари Бархударов Л.С., Швейцар А.Д., Н.Комиссаров, Левитская ва Фиттерманлар, машина таржимасининг яратилиши, инглиз ва АҚШ таржимонлари, П. Ньюмарк, Алан Даф ва Алан Малейнинг таржимонлик фаолиятлари).

**Ўрта Осиё, Ўзбекистон таржима тарихи.**

**Таржима мактаблари**

Ўрта Осиё ва Ўзбекистон. Бағдодда “Байт ал Ҳикма” академияси. Ал Хоразмийнинг, Абу Райҳон Беруний ва уларнинг таржималари. Ал-Фарғоний ва Европа фани. Бобур ва таржима, “Бобурнома” асарининг таржимаси. Алишер Навоий ва таржима. Билингвизм ва таржима. “Муҳокамат-ул луғатайн” асари. Ўзбекистондаги таржима мактаблари. Хоразм таржима мактаби: Муҳаммадризо Огаҳий, Комил Хоразмий. Тошкент таржима мактаби.

**Замонавий таржима турлари**

Синхрон таржима, кетма-кет, ёзма таржиманинг ривожланиши.

**Таржима мутахассислигига кириш**

Таржимон давлатлар ўртасидаги алоқаларни ўрнатувчи ва давлат аҳамиятига эга бўлган мутахассислик эканлиги, таржимон маърифат тарқатувчи, ўз халқининг, бошқа халқларнинг буюк олимлари, ёзувчиларининг асарлари билан таништиришга масъул бўлиши, ҳар икки тилнинг миллий руҳи ва ранг - баранг воситаларини ва уларнинг муқобилларини топиш, таржимон фаолияти шуғулланиши зарур. Таржимон услуби асл нусха авторининг услубини таржимада сақлаш. Тил

воситаларидан фойдаланганда таржимоннинг ўзига хос йўли, услуби бўлиши зарур.

**Таржимон маданияти**

Сўзлашиш, билим маданияти, таржима ҳақида олимларнинг фикрлари, таржимоннинг асосий вазифалари, таржимонлар маърифат тарқатувчилардир.

**Маҳорат**

Таржимон маҳорати, Бадиий асарларни таржима қилишда таржимон маҳорати.

**Услуб**

Таржимон услуби, шеъриятда таржимоннинг услуби, таржимон услубининг хусусиятлари, таржимон маданияти ва унинг асосий тамойиллари, сўзлашув маданияти, Билим маданияти, урф – одатларнинг маданиятга таъсири, таржимон фазилати.

**Таржима**

Таржима ҳақида умумий тушунча, Таржима тушунчасининг мазмуни, таржима ва итерпретация, таржимон ва китобхон, бадиий адабиёт ва бадиий таржима, таржимон муаммоси, таржимонлик касби ва унинг мақсад, вазифалари.

**Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Таржима назариясининг фундаментал ҳамда амалий фанлар сифатдаги вазифалари. Таржима назариясининг лингвистик фанлар доирасида тутган ўрни. Таржима назариясининг туташ лингвистик фанлар доирасида тутган ўрни. Таржима қилиш муаммоси, унинг моҳияти ва замонавий ҳолати.

Таржима бирлиги тушунчаси. Таржиманинг сўздан кичик бирликлари.

Таржиманинг бирлиги сифатида. Таржиманинг сўздан катта бирликлари. Таржимон трансформацияси тушунчаси. Таржимада трансформациянинг олдиндан таҳлил қилиниши. Грамматика ва лексикада таржимон трансформациялари.

Таржимоннинг касбий савияси. В.Фон билимларининг роли. В.Фон билимларини эгаллаш манбаалари.

**Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

**Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети**

**"Тасдиқланди"**
Ўқув ишлари бўйича проректор
______________ Т.Мадрахимов
2017 йил "        " _________

# ТАРЖИМОНЛИК МУТАХАССИСЛИГИГА КИРИШ ФАНИНИНГ ИШЧИ ЎҚУВ ДАСТУРИ

**(1-курс)**

**Билим соҳаси:** 200 000 – гуманитар фанлар

**Таълим соҳаси:** 220 000 – гуманитар фанлар

**Таълим йўналиши:** 5220600 – таржима назарияси ва амалиёти

**Умумий ўқув соати –** 36 соат

**Шу жумладан:**

**Маъруза –** 18 соат (2 семестр - 18соат)

**Амалий машғулотлар –** 18 соат (2 семестр - 18соат)

**Тошкент- 2017**

Фаннинг ишчи ўқув дастури Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги 201__ йил “___” _____даги ___ -сонли буйруғи билан (буйруқнинг ___ -иловаси)тасдиқланган “Таржимонлик мутахассислигига кириш” фани дастури асосида тайёрланган.

Фан дастуриЎзбекистон давлат жахон тиллари университети Кенгашининг 201__ йил “___” ______________ даги “___” -сонли баёни билан тасдиқланган.

**Тузувчи:**

А.М. Мўминов – ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси профессори, филология фанлари номзоди, профессор.

**Тақризчи:**

Н.М. Қамбаров – ЎзДЖТУ, “Таржимашунослик назарияси ва амалиёти” кафедраси доценти, филология фанлари номзоди, доцент;

ЎзДЖТУ, Таржима назарияси ва амалиёти
факультети декани:
2017 йил “_____”______________________ ____________ С. А.Зияева
*(имзо)*

“Таржимашунослик назарияси ва амалиёти”
кафедраси мудири:
2017 йил “_____”___________________ ____________ О. С.Ахмедов
*(имзо)*

## 1.Ўқув фани ўқитилиши бўйича услубий кўрсатмалар.

“Таржимонлик мутахассислигига кириш ” фани талабаларни назарий билимлар, амалий кўникмалалар, таржима ҳодиса ва жараёнларига услубий ёндашув ҳамда илмий дунёқарашини шакллантириш вазифаларини бажаради.

Фан бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйдаги талаблар қўйилади. ***Талаба:***

– Таржимонлик касби унинг билим асослари, таржима мактаблари, таржимоннинг махорати, таржимон роли тўғрисида ***тасаввурга эга бўлиши***;

– Таржима назарияси асосларини, таржима қонунлар, тушунчалар, категорияларни, таржима жараёнларнинг хусусиятларини ***билиши ва улардан фойдалана олиши***;

– талаба таржима ҳодисаси ва жараёнларини таҳлил қилиш усулларини қўллаш, таржима муаммолар бўйича ечимлар қабул қилиш ***кўникмаларига эга бўлиши керак.***

## 2.Маъруза машғулотлари

1- жадвал

| № | Маърузалар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **2-семестр** | | |
| 1 | “Таржимонлик мутахассислигига” фанига кириш предмети | 2 |
| 2 | Таржимонлик касбининг роли | 2 |
| 3 | Таржимонлик махороти | 2 |
| 4 | Таржимонлик услуби | 2 |
| 5 | Таржимонлик фаолияти | 2 |
| 6 | Таржимонлик маданияти | 2 |
| 7 | Таржимонлик методлари | 2 |
| 8 | Таржимонлик мактаблари | 2 |
| 9 | Буюк таржимонлар фаолияти | 2 |
| Жами: | | 18 |

Маъруза машғулотлари мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда академ. гуруҳлар оқими учун ўтилади.

## 3. Амалий машғулотлар

2- жадвал

| № | Амалий машғулотлар мавзулари | Дарс соатлари ҳажми |
|---|---|---|
| **2-семестр** | | |
| 1 | “Таржимонлик мутахассислигига кириш” фани предмети | 2 |
| 2 | Таржимонлик касбининг роли | 2 |
| 3 | Таржимонлик махороти | 2 |
| 4 | Таржимонлик услуби | 2 |
| 5 | Таржимонлик фаолияти | 2 |
| 6 | Таржимонлик маданияти | 2 |
| 7 | Таржимонлик методлари | 2 |
| 8 | Таржимонлик мактаблари | 2 |
| 9 | Буюк таржимонлар фаолияти | 2 |
| Жами: | | 18 |

Амалий машғулотлар мультимедиа воситалари билан жиҳозланган аудиторияда ҳар бир академ. гуруҳга алоҳида ўтилади. Машғулотлар фаол ва интерфаол усуллар ёрдамида ўтилади, “Кейс-стади” технологияси ишлатилади, кейслар мазмуни ўқитувчи томонидан белгиланади. Кўргазмали материаллар ва ахборотлар мультимедиа қурулмалари ёрдамида узатилади.

## 4. Фан бўйича талабалар билимини баҳолаш ва назорат қилиш меъзонлари

| | |
|---|---|
| **Баҳолаш усуллари** | Экспресс тестлар, ёзма ишлар, оғзаки сўров, презентациялар. |
| **Баҳолаш мезонлари** | ***5 балл «аъло»***<br>– фанга оид назарий ва услубий тушунчаларни тўла ўзлаштира олиш;<br>– фанга оид кўрсаткичларнитаҳлил қилишда ижодий фикрлай олиш;<br>– ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш;<br>– меҳнат муносабатларига оид таҳлил натижаларини тўғри акс эттира олиш;<br>– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;<br>– таҳлил натижалари асосида вазиятга тўғри ва холисона баҳо бериш;<br>– ўрганилаётган таржима ҳодисаси ва жараёни тўғрисида |

| | |
|---|---|
| | тасаввурга эга бўлиш;<br><br>***4 балл «яхши»***<br>– ўрганилаётган жараёнлар ҳақида мустақил мушоҳада юритиш;<br>– таҳлилнатижаларинитўғриаксэттираолиш;<br>– ўрганилаётган таржима ҳодисаси ва жараёни тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;<br>– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;<br>***3 балл«қониқарли»***<br>– ўрганилаётган жараёнга таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва уларга тўла баҳо бериш;<br>– ўрганилаётган ҳодиса ва жараён тўғрисида тасаввурга эга бўлиш;<br>***2 балл«қониқарсиз»***<br>– ўтилганфаннингназарийвауслубийасосларинибилмаслик;<br>– таржима ҳодисаси ва жараёнларни таҳлил этиш бўйича тасаввурга эга эмаслик;<br>– ўрганилаётган таржима усулларини қўллай олмаслик. |

## Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари

### Асосий адабиётлар

1.И. Ғофуров Таржимонлик мутахассислигига кириш. -Т., 2008
2. O.Muminov A Guide to Simultaneous Translation.-T., 2001.
3. O.Muminov, O. Sunnatov.Translation History.- T., 1999.

### Қўшимча адабиётлар

1. В.В. Алимов Теория перевода- М., 2005
2. Л.С. Бархударов Язык и перевод. М., 1978.
3. Г.Мирам Профессия: переводчик Киев “эльга” Ника – Центр 2004
4.Г. СаломовТаржиманазариястгакириш. Т., 1978.
5. Комиссаров В.Н. Современноепереводоведение. М., 2004.
6 O. MuminovA Guide to Consecutive translation- T., 2013

## Талабалар билимини баҳолаш турлари

## ЖОРИЙ БАҲОЛАШ (ЖБ) – 40 балл

| № | Назорат шакли | Назорат сони | Назорат учун балл | Йиғилган балл |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Оғзаки | 1 | 20 | 20 |
| 2. | Ёзма | 2 | 5 | 10 |
| 3. | Тест | 2 | 5 | 10 |
| . | | | | |
| *Жами* | | | | 40 |

## ОРАЛИҚ БАҲОЛАШ (ОБ) – 30 балл

| № | Назорат шакли | Назорат сони | Назорат учун балл | Йиғилган балл |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Ёзма | 1 | 15 | 15 |
| 2. | Тест (компьютер) | 1 | 15 | 15 |
| . | | | | |
| . | | | | |
| *Жами* | | | | 30 |

## ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ (ЯБ) – 30 балл

| № | Назорат шакли | Назорат сони | Назорат учун балл | Йиғилган балл |
|---|---|---|---|---|
| 1. | Тест | 1 | 30 | 30 |
| *Жами* | | | | 30 |

**ТАЛАБАЛАР БИЛИМИНИ БАҲОЛАШНИНГ НАМУНАВИЙ МЕЗОНИ**

| *Балл* | *Баҳо* | *Талабанинг билим даражаси* |
|---|---|---|
| 86-100 | Аъло | Хулоса ва қарор қабул қилиш.<br>Ижодий фикрлай олиш.<br>Мустақил мушоҳада юритиш.<br>Амалда қўллай олиш.<br>Моҳиятини тушуниш.<br>Билиш, айтиб бериш.<br>Тасаввурга эга бўлиш. |
| 71-85 | Яхши | Мустақил мушоҳада юритиш.<br>Амалда қўллай олиш.<br>Моҳиятини тушуниш.<br>Билиш, айтиб бериш.<br>Тасаввурга эга бўлиш. |
| 55-70 | Қониқарли | Моҳиятини тушуниш.<br>Билиш, айтиб бериш.<br>Тасаввурга эга бўлиш. |
| 0-54 | Қониқарсиз | Аниқ тасаввурга эга эмаслик.<br>Билмаслик. |

**Илова №1**

**Гурухлар учун топшириқлар.**

**1 – гурух:**
Таржимашуносликда таржимоннинг ўрни ва роли қандай?

**2 – гурух:**
Таржима ҳақида олимлар қандай фикрларни билдирган?

**3 – гурух:**
Таржимада таржимоннинг асосий вазифалари нималардан иборат?

**Илова №2**

**Тестлар.**

**1. Таржимоннинг асосий вазифаси нима?**
A. Таржимон – маърифат тарыатувчи
B. Таржимон – илмий ходим

C. Таржимон – билим тарқатувчи
D. Таржимон – техник ходим

**2. Таржимонлик давлатлар ўртасидаги алоқани ўрнатишдаги роли хақида файси тилшунос айтган?**
A. А. Д.Швейцар
B. П.И. Капанов
C. Л.С. Бархударов
D. Ғ. Саломов

**3. Қайси мамлакатда таржимонлар куни байрам қилинади?**
A. Арматистонда
B.  Россияда
C. Ўзбекистонда
D. Хиндистонда

**4. Таржимон фаолияти А.Ф. Ширяев 3 га бўлади. Улар қайсилар?**
A. 1. харакат мақсади, режаси  2. амалга ошириш даври 3. мўлжалланган мақсад билан эришилган натижани таққослаш даври
B. 1. ёзиш даври 2. таққослаш даври  3. асл нусхани билиш
C. 1. асл  нусхани билан таржимани монанд қилиш   2. ёзиш даври  3. харакат мақсади
D. 1. асл  нусхани билан таржимани монанд қилиш    2. амалга ошириш даври 3. харакат мақсади, режаси

**5. Таржима жараёнини 4 та поғонасига қайсилар киради?**
A. 1. семантик таҳлил  2. матн мазмуни таҳлил   3.  гап бўлакларининг таҳлили  4.  таққослаш
B.  1. фраза, бирикмаларни кўриш    2.  стилистик нуқсонларни тўғирлаш  3. лексик таҳлил қилиш   4. грамматик таҳлил қилиш
C. 1. матндаги сўзларни кўриб чиқиш  2.  фраза, бирикмалар ва гап бўлакларини кўриб чиқиш  3. стилистик ва услубий кўриниши  4. якуний фаолият натижасини таҳлил қилиш
D. 1. Асл нусхани мазмунини аниқлаш   2. семантик таҳлил қилиш  3. стилитиик таҳлил  4. таққослаш

**Илова №3**

**ТОИФАЛАШ ЖАДВАЛИ**

| Таржимашуносликда таржимоннинг ўрни ва роли | Таржимон маърифат тарқатувчи | Таржимоннинг асосий вазифалари |
|---|---|---|
| Тиллар аро воситачи | Халқларни бир-бири билан боғлайди | Тил борасида билимнинг кенг бўлиши |

| | | |
|---|---|---|
| Маданиятлар аро воситачи | | Тилнинг софлиги |
| Ижодкор воситачи | | Фикр теранлиги ва кенглиги |
| | | Аслиятга холислик ва мухаббат |
| | | |

**Илова №4**

**Гурухлар учун топшириқлар.**

**1 – гурух:**

Таржимашуносликда таржимоннинг билим ва сўзлашиш маҳорати ҳақида гапиринг.

**2 – гурух:**

Таржимон махоратининг асосий кўринишларини тушинтиринг.

**3 – гурух:**

Бадиий асарларни таржима қилиш тўғрисида ўз қарашларингизни ифодаланг.

**Илова №5**



**Илова №6**

## Тестлар.

**Таржимон маҳоратига нималар киради?**

A. Тил билимдонлиги, асл нусха билан таржима тилини монандлигини билиш, таржимада миллийлик принципига эътибор бериш, образли воситалар ишлата олиш;

B. Тил билимдонлиги, чет тилидан дарс бера олиш

C. Чет тилида равон гапира олиш

D. Чет тилида мақол ва маталларни бериш

**Қуйидаги иборани ўзбек тилидаги муқобилини топинг “hot milk with skin on it”**

A. қаймоқ тутган иссиқ сут

B. қайноқ усти беркилган сут

C. қаймоқли иссиқ сут

D. иссиқ усти ёпилган сут

**Қуйидаги “сузмоқ” сўзининг инглиз тилидаги лексик маъноларини топинг**

A. a man floats, a ship sails, a box floats

B. a man sails, a ship swims, a box floats

C. a man swims, a ship sails, a box floats

D. a man floats, a ship swims, a box floats

**Қуйидагиларнинг қайсси бири трансформациянинг лексик турларига киради?**

A. supplementations, lexical substitutions, omissions

B. lexical substitutions, replacement, compensation

C. constructions, additions, omissions

D. replacement, additions, supplementations

**Инглиз тилида қайси сўз бирикмаларининг муқобилсиз деб аташ мумкин.**

A. realia, proper names, geographical denominations, addresses, greetings, titles of journals, weights, measures

B. realie of everyday life, proper names, geographical denominations,

C. realia, proper names, measures, title of magazines

D. measures, title of magazines, realie of everyday life

**Илова №6**




**Илова №7**

**Тестлар.**

**Ёзма таржиманинг сифатига нималар киради?**
А. стили, тили, бадиийлиги
В. бадиийлиги қизиқарлилиги
С. стили, чиройли хуснихати
D. асарни яхши билиши

**Таржимоннинг профиссионал кўникмаларига нималар киради?**
А. унинг ўқиши, мустақил мутоаласи
В. сўз ва ибораларни билиши
С. асл нусха мазмунини яхши билиш
D. бадиий таржимани яхши билиш

**Таржимон маҳоратига сўз танлашда асосий омиллар қайси?**
А. синоним ва омониларни тўғри танлаш
В. сўзлар маъноларини яхши билиш
С. асл тилини яхши билиш
D. бадиий таржимани билиш

**«Сўз хақида сўз» асари муаллифи Ким?**
А. Г. Ломидзе

B. П. Тагер
C. А. Шорин
D. Л. Успенский

**Таржимашунос олим А.Д. Швейцер ўзининг «таржима жараёнини лингвистик ўрганиш проблемасига доир» мақоласида қандай фикрни илгари суради**

A. интерпретацияга қилинадиган таржима жараёни
B. реал борлиққа мурожаат қилмасдан бажариладиган таржимани
C. ҳаётга, реал вазиятга мурожаат қилиишдек ғоят муҳим омилни инкор этадиган таржима жараёни моделини рад қилиш керак
D. лингвистик ва экстра лингвистик омиллар хақида

**Илова №8**

**Гурухлар учун топшириқлар.**

**1 – гурух:**
Таржимон фаолиятининг асосий вазифаларини тушинтиринг.

**2 – гурух:**
Таржимон фаолиятининг турларини айтиб беринг.

**3 – гурух:**
Таржимон фаолиятидаги масъулиятлар нималардан иборат?

## Илова №9




## Илова №10

### Тестлар.

**1. Қадимги Хинд илмий китобларини қайси таржимон араб тилига таржима қилган?**

A. Беруний
B. Аристотел
C. Фузулий
D. Архимед

**2. Ким библияни 2- асрда таржима қилган?**

A. Симмахом
B. Жером

C. Айроним
D. Сисеро

**3. “Asian Translation Society” нинг биринчи президенти ким бўлган?**
A. Ж. Фрере
B. В. Кэкстон
C. В. Жонс
D. Д. Вентворс

**4. В. Жонс Хинд эпосларидан қайсиларини таржима қилган?**
A. Рамаяна, Маҳабҳорат
B. Рамаяна, Регведа
C. Маҳабхорат ва Иллиад
D. Илиад, Рамаяна

**5. В. Эрскиннинг “Бобурнома” асарининг таржимасида қуйидаги ёзувлардан қайси бирини қўллаган?**
A. форс
B. санскрит
C. турк
D. инглиз

**Илова №11**

**Гурухлар учун топшириқлар.**

**1 – гурух:**
Таржимоннинг сўзлашув маданияти ҳақида гапиринг.

**2 – гурух:**
Таржимоннинг билим маданиятини тушинтиринг.

**3 – гурух:**
Урф-одатларнинг маданиятга таъсири ҳақида гапиринг.

**Илова №12**




**Илова №13**

**Тестлар.**

**Таржима санъатига нималар киради?**

A. таржиманинг бош хоссаси унинг бошқа тил воситалари Билан қайта яратишдан иборат ижодий жараёндир, сўз санъати эквивалентидир

B. Бир тилда ёзилган китобни иккинчи тилга ўгириш

C. таржима – бу бир тилда баён қилинган фикрни ўзга тилда сўзлаб бериш

D. таржима бир тилда роль ижро этаётган актёрнинг нутқини иккинчи тилга ўгириш.

**Ўзбекистонда таржиманинг ривожланиши ҳақида кимннинг китобида ёзилган?**

A. Г. Гафурова
B. Р. Есенбаев
C. Н. Комилов
D. Х. Караматов

**Таржимашуниослик фанини қайси қисмларга бўлган холда ўрганиш мумкин?**

A. таржима таржихи ва назарияси
B. синхрон таржима, кетмк-кет таржима
C. адабий таржима, таржима тендери
D. Таржима тарихи, таржима назарияси, таржима тендери, синхрон таржима, автоматик таржима асослари

**Биринчи марта синхрон таржима қачон тажриба қилинган?**

A. 1928 й. VI –Коментерн когрессида
B. 1925 й.  Россияда
C. 1956 й.  Брюсселда
D. 198 й.  Германияда

**Синхрон таржимага ўргатадиган методларга қайсилар киради?**

A. тасвирий метод, антрономик метод
B. компонентли таҳлил, трансформацион метод
C. Бир зумда қайтариш, кўриб таржима қилиш, хотирада олиб қолиш
D. дискриптив метод, трансформацион метод